



ADOLAT

№23

(675)

2008 йил,

23 май, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чىқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сугурта фаолиятини янада такомиллаштириш, сугурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва сугурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, сугурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги соҳаларда фаолиятини амалга оширадиган сугурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилинсин;

2. Умумий сугурта соҳасида — 750 минг еврога эквивалент суммада;

3. Ҳаётни сугурта қилиш соҳасида — 1000 минг еврога эквивалент суммада;

4. Мажбурий сугурта бўйича — 1500 минг еврога эквивалент суммада;

5. Фақат қайта сугурта қилиш бўйича — 4000 минг еврога эквивалент суммада.

6. Фаолият кўрсатаётган сугурта компаниялари (сугурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мuddатда устав капитал миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган сугурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрсин.

8. Шундай тартиб белгилансинки, унга қўра:

9. Сугурталовчилар қимматли қоғозлар бозорига инвестицион

воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда сугурталовчилар томонидан кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди; сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Сугурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади);

10. Сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини сугурталовчилар томонидан бузилганлиги учун сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга сугурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жараима белгиланган тартибда солинадиган ва жараима суммаси республика бюджетига ўтказиладиган.

11. 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил мuddатга:

12. Юридик ва жисмоний шахсларнинг сугурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

13. Сугурталовчиларнинг дивидендлар ва фойзалар кўринишида олинган даромадлари

ри юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, кишлоқ жойларида ҳудудий бўлимларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарор билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом;

15. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда сугурталовчиларга сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жараима санкциялари тўғрисида Низом.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

17. Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

18. Вазирлик ва идораларнинг мезрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 21 май

Янгиер шахридаги саннат корхоналари Сирдарё вилояти иқтисодиётининг ўсишида муҳим ўрин тутди. Узоққа бормайлик, шу йилнинг биринчи чорагида шаҳарда саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 32,7 фоизга, истеъмол товарлари 50,7, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 34,8, чакана товар айланмаси 9,5, пудрат қурилиш ҳажми 31,9 ва капитал маблағ ҳажми 25,2 фоизга ўсди.

Ҳозирда шаҳарда учта қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Биринчи "Мос Ян Текс" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси томонидан ўтган чорак мобайнида 105,6 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 82,9 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар четта экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Иқтисодиёт

"МОС ЯН ТЕКС"НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



ШИФОКОРЛАР ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон дерматовенерологиянинг V съезди бошланди. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Украина, Беларусь, Қозғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиётнинг бошқа жабҳаларида бўлганидек, дерматология ва венерология соҳасида ҳам касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг илгир услубларидан оқилона фойдаланишда Жумладан, ички касалликлар, асабийлашш ва иммунологик ўзгаришлар асоратида келиб чиқадиган хасталикларни даволашнинг янги усули яратилди.

— Ўзбекистонда солиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани тиббиёт илмининг ривожлантиришда улкан ютуқлар олиши бўлаётди, — деди анжуманда Россия дерматология ва венерология илмий тадқиқот институти директори Уринбосари Муза Кохан. — Бундай эътибор, айниқса, ёш тадқиқотчилар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Мен қатор тараққий этган хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли анжуманларда Ўзбекистонлик ёш тадқиқотчиларнинг тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий маърузаларини тинглаб, уларнинг эришгаётган ютуқларига ҳавасим келди.

Икки кун давом эттирилган анжуманда болалар ва катталарда учрайдиган турли тери-таносил касалликларининг олдини олиш, тез ва аниқ ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари ҳамда воситаларини қўллаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланади. Бу борада жаҳон тиббиётида эришилган ютуқларни мамлакатимиз тиббиётида қўллаш самаралари ҳусусида фикрлашади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКISTONNING ХИТОЙГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Халқимизга хос меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойтайдиган иборалар борки, бу фазилатлар асрлар мобайнида эл-юртининг дунёқарши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шуримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир.

Биринча меҳр-оқибат тушуначисининг ўзидек инсоннинг инсон билан, оиланинг оила билан, қўшининг қўшин билан аҳил-иноқ бўлиб, тинч-тотув яшаши, бир-бирига сиз-қидилдан, бегараз ёрдам бериши каби юксак маънавий қадриятларни англатади. "Қўшининг тинч — сен тинч", "Дўст қулфатда синалар" каби нақллар аслида ҳам ана шу инсоний хусусиятлар халқимизнинг маънавий оламига чуқур сингиб кетгандан далолатдир.

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳам айнан шу каби маънавий асосларга — ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва меҳр-оқибатга таянганда янада самарали ҳамда истиқболлидир. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган алоқалар бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор тонган ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этади. Ҳурматимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Хитой билан муносабатларнинг

бугунги ҳолатини, алоқаларнинг ҳозирги суръатини юксак қадрлайди. 2005 йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланган.

Мамлакатларимиз ўртасида изчил ривожланиб бораётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон-Хитой алоқалари, балки минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўп томонлама муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа кўпжақ соҳаларда самарали ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Ҳуримизда Хитой инвестицияси иштирокида 136 корхона фаолият юритмоқда. Утган йили икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айланмаси ҳажми 749 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Маълумки, шу йил 12 май кунини Хитойнинг Сичуань провинциясида рўй берган қучли zilзила оқибатида 50 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, 30 мингга яқин киши бежарак йўқолган. Юз минглаб кишилар жароҳат олган.

Дўсти ва ҳамкори бошига оғир мусибат тушганда бефарқ бўлиб туриш халқимизнинг табиатида мутлақо ётдир. Айнан шу боис Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Хитой Халқ Республикасининг zilзиладан талафот

қўрган аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Ўзбекистоннинг 50 тоннага яқин бегараз кумагининг дастлабки 25 тоннаси — палаткалар, кўрпа-тўшаклар, озиқ-овқат ва бошқа зарур ашёлар 22 май кунини Урумчи шаҳри аэропортига келтирилди.

Урумчи шаҳрида Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдамини Хитой Халқ Республикасининг расмий вакилларига топшириш маросими бўлди.

Тадбирда таъкидланганидек, халқларимизни азалдан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Мамлакатимизнинг ХХРга кўрсатган ушбу инсонпарварлик ёрдами табиий офатдан жабр кўрган дўст халқ қайғусига шериклигимизнинг амалий ифодасидир.

— Биз халқимиз бошига тушган таъбиий кунларда Ўзбекистон кўрсатган муҳим ва маънавий ёрдамини юксак қадрлаймиз, — деди Хитой Халқ Республикаси Шинжон Уйғур Автоном райони ташки ишлар бошқармаси бош директорининг ўринбосари Али Абдулхамид. — Бундай инсонпарварлик ёрдами табиий офатдан жабр кўрган инсонларга наинки моддий, айни пайтда катта маънавий мадд бўлади. Шу маънода Ўзбекистон раҳбаридан ва халқидан беҳад миннатдоримиз.

Ҳудум МИРЗО, ЎАА махсус мухбири Тошкент-Урумчи-Тошкент

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASIDA

21 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоларига кўрсатиб ўтилган қўмитасининг 2005-2007 йиллардаги иши тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси Т.Каримов сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин депутатлар Қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини умуман маъқуладилар. Шу билан бирга таъкидландики, Қўмитанинг иши парламент фаолиятининг ҳозирги босқичдаги ўсиб бораётган талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмади. Қўмита кишлоқ ҳўжалигида

иқтисодий ислохотлар боришини таъминловчи қонунларни такомиллаштириш борасида қонунчилик ташаббуси субъектлари билан ишлашда зарур қатъият кўрсатмади.

Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоларига кўрсатиб ўтилган қўмитасининг 2005-2007 йиллардаги иши тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси Т.Каримов сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин депутатлар Қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини умуман маъқуладилар. Шу билан бирга таъкидландики, Қўмитанинг иши парламент фаолиятининг ҳозирги босқичдаги ўсиб бораётган талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмади. Қўмита кишлоқ ҳўжалигида

муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қўнунни қабул қилдилар. Қўнун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Ёқубов маъруза қилди. Қўнун лойиҳасини қўриб чиқиш вақтида депутатлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши жамиятда қўнун устуворлигини, мамлакат ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида қўнунийлик ва адолатли таъминлаш имконини беришини таъкидладилар. Қўнунчилик палатаси киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қўнунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов ахборот берди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган тақлиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қўнун лойиҳасининг асосий қондиларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлиси Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунваннинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қўнунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар А.Абдуназаровнинг Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Саннат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ислам Каримовнинг сўзи билан мазкур Қўмита раисининг ўринбосари этиб сайландилар.

(ЎА)

Фракция ййгилиши

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Музей муассасалари фаолиятини тартибга солишга доир қонунга эҳтиёж туғилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг ййгилиши бўлиб ўтди. Ййгилишда дастлаб "Ишлаб чиқаришдаги бахт-

сиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

2-бетда

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда) Хукуқий демократик жа- миёт қуриш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ма- саласига бевосита дахлдор сўғурта хукуқининг мустақ- камлангани мамлакатимизда амалга оширилаётган исло- хотларнинг бир бўлишидир. Бугунги кунда республика- мизда сўғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими яратил- ган бўлиб, соҳадаги ишлар босқичма-босқич такомил- лашиб бормоқда.

Ташкилланганидек, иш бе- рувчининг фуқаролик жавоб- гарлигини мажбурий сўғур- талашнинг жорий этилиши, аввало, ходимнинг меҳнат вази- фаларини бажариш мо- байнида бирор зарар кўрс- а, мажбурий бўлиши, шикастлан- ши, касб касаллигига чали- ниши ёки вафот этиши куза- тилса, унинг қарамоғида бўлган шахсларнинг етказил- ган зарарни ундириш бора- сидаги қонуний ҳуқуқлари поймол этилишига чек қўй- лади. Мазкур қонун лойиҳа- си бугунги куннинг аниқ та- лаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқил- ган. Бундан мақсад ходим- ларнинг хукуқий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат шартит-

ларини замон талабларига мос равишда яхшилаш ҳамда ҳавфсизлигини оширишдан иборат.

Конституциямизнинг 53-моддасида истеъмолчи хукуқи устуңлигини таъмин- лаб кўрсатиш таъмин- лашига қаратилган кўрсаткичлар қўйилган. Бу эса товарларни сотиш учун қабул қилиш ва пирова- ридида истеъмолчилар товaрнинг яроқли- лиги мuddатини ҳисоблаш имкониятига эга бўлмағлига сабаб бўлади. Ҳолбуки, «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида дори-дармон, озик-овқат ва маиший-кимё товaрларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик мuddати ҳамда уларни сақлаш шартла- ри аниқ белгилаб қўйилган. Кейинча- лик айни шу моддага киритилган муҳим ўзгaртиш ва қўшимчалардан бири — бу сотувчиларга нафақат яроқлилик муд-

ИНСОН МАНФААТИ МУҲОФАЗАСИ

ИЖТимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида устувор масала

Фуқароларнинг кундалик талаб-эҳтиёжларини қонди- риб, уларни товар ва хизматларнинг замонавий турлари билан таъминлаш ҳамда улар учун ҳеч қандам кам бўлмаган турмуш шaрoитларини яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар- нинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Конституциямизнинг 53-моддасида истеъмолчи хукуқи устуңлигини таъмин- лаб кўрсатиш таъмин- лашига қаратилган кўрсаткичлар қўйилган. Бу эса товарларни сотиш учун қабул қилиш ва пирова- ридида истеъмолчилар товaрнинг яроқли- лиги мuddатини ҳисоблаш имкониятига эга бўлмағлига сабаб бўлади. Ҳолбуки, «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида дори-дармон, озик-овқат ва маиший-кимё товaрларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик мuddати ҳамда уларни сақлаш шартла- ри аниқ белгилаб қўйилган. Кейинча- лик айни шу моддага киритилган муҳим ўзгaртиш ва қўшимчалардан бири — бу сотувчиларга нафақат яроқлилик муд-

дати ўтиб кетган, балки ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товaрлар- ни ҳам қабул қилиши ва реализация (сотув)га қўйиши ман этилганлигидир. Бу ҳол истеъмолчиларнинг тўласинча (жумладан, товaрнинг сифати, яроқли- лик мuddати, истеъмол қилиш ва ишла- тиши тўғрисидаги) маълумотларга эга бўлишларини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Сотувчилар томонидан ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товaрларни қабул қилиш ва сотиш таққидлангани, ўз навбатида, 27-модданнинг иккинчи қисмига зарур ўзгaртиш ва қўшимча- лар киритиш лoзимлигини такозо этади. Шу боисдан, қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмига ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик мuddати кўрсатилма- ган товaрларнинг реализация қилишига ва сотишга қабул қилганлик учун жазо чо- ралари қўлланилиши белгиланди. Ма- салан, эндиликда товaрлар (ишлар, хиз- матлар)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устуңлиги назоратини амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органлари- нинг ушбу товaрларнинг истеъмол (фойдаланиши) учун яроқлилиги тўғрисидаги ҳулосаси олинган тақдирда, ре- ализация қилиш учун қабул қилгантоварлар ҳажмининг бeр фoизи ва ушбу товaрларнинг истеъмол (фойдаланиши) учун яроқлилиги тўғрисидаги ҳулоса- си олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилгантоварлар ҳажмининг юз фoизи микдоридa (бирок, энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган микдорда) жарима солиниши мумкин.

Қонуннинг 25-моддасида Республи- ка Монополиядан чиқариш, рақобат ва

“Тўпаланг”: ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

Халқ хўжалигини электр энергиясиз та- саввур қилиб бўлмайдик. Шу боис, мустақиллик- нинг дастлабки кунла- ридан бошлаб бу соҳа- ни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 127 та кичик энергетика манбалари яратилди. “Тўпаланг” гидроэлектр станцияси ана шу ман- баларнинг энг кенжаси. — Сурхондарёда су- форилдагандан ер майдон- ларининг 80 фoизи электр энергияси ҳисо- бига оби ҳаёт билан таъ- минланади. Арзон энергия ишлаб чиқариш эса айни мuddада. Шу маъ- нода, республикада кичик энергия манбала- рини кўпайтириш мақ- садга мувофиқдир. Чун- ки тадбиркор ва фер- мер ҳар бир тийинини иқтисод қилсагина, дав- лат бойиди, — дейди ГЭС директори Байра- мали Соғиндиқов. Икки йил олдин биринчи навбат ишга ту- ш- га, ГЭСнинг ишлаб чи- қариш қуввати ошди. Айни вақтда кунига 30 МГВт ҳамда арзон электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Агар ик- кинчи навбат ҳам фой- даланишга топширилса, кунига 175 МГВт электр қувватини ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Ҳозирги кунда жамоада 43 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фoизи олий маълумотли ёш мутахассис- лардир. Т.МАҲМАДАЛИЕВ, “Адолат” мухбири.



ФАОЛИЯТДАГИ УЮШҚОҚЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК

янги ташаббусларга чорлайди

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати жойларда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувни янгилаш борасидаги асосий вазифаларга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказиб келмоқда. Шундай тадбирлардан бирида Тошкент шаҳар партия Кенгаши фаолияти муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Собир Турсунов “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг мазмун-моҳияти, унда белгилаб берилган вазифаларни тўлақонли ҳаётга тadbик этишда партия фаолларининг роли ҳақда батафсил тушунча берди. Ташкилланганидек, Конституциявий қонунда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар олдида муҳим вазифалар белгилаб қўйилган. Шу билан бирга имкониятлари ҳам анча кенгайди. Эндиликда ҳудудий партия ташкилот ва депутатлар кенгашидаги партия- вий гуруҳ янада фаоллашу- ви лoзимлиги айтилди.

Тадбирлар куруқ маъруза- лардан иборат бўлиб қолмас- дан, амалий ёндашиш бoр- асидa кўрсатмалар берилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳар партия Кенгаши фао- лиятда ижобий сиқилишлар- ни кузатиш мумкин. Айниқ- са, турли мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар таҳсин- га лoйиқ. Аммо Тошкент ша- ҳар партия Кенгаши биринчи котиби Фарида Пармонова таъкидлаганидек, ҳудудий партия ташкилотларида уюш- қоқлик ҳамда жонкуярлик етишмаяпти. Буни жорий йилнинг биринчи чораги да- вомида партия сафига жалб қилинган аъзолар сонининг камлиги мисoлида кўриш мумкин.

Муҳокама давомида фаоли- яти суфт туман партия Кенга- ши котиблари ҳам тилга олин- ди. Мисoл учун, Яққасарой туман Кенгашида аъзолар со- ни атиги 27 нафарни ташкил этса, Юнусобод туман партия Кен- гашида эса бу кўрсаткич 52 нафардан иборат. Бу эса Бош- ланғич партия ташкилотига (БПТ) ҳам таъсир кўрсатади. Ф. Пармонова Юнусобод Кен- гашида атиги битта БПТ мав- жудлигини қуончақлик билан айтиб ўтди.

МАДАНИЙ МЕРOS ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Эллиққалъа туманида ту- ман ҳокими ва “Камолот” ЕИХ ташаббуси билан “Ёшлар онгида тарихий-ма- даний меросга ҳурматни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбо- сари Х.Дўстмухамедов, қуйи палата депутатлари ва ўқувчи ёшлар қатнашди.

мухамедов. — Эллиққалъа туманида жойлашган 2200 йиллик тарихга эга обидалар берилганидан бизнинг халқи- миз чиндан ҳам фахрланса арзийди. Бундай бебаҳо бой- ликни асраб-авайлаш ва қад- рига етиш зарур. Асосийси — буни ёшлар тушуниб етиш- лари лoзим.

ахборот воситаларининг роли катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА

“Адолат” СДП Сирдарё вилояти Кенгаши ҳақда вилоят касаба уюшмала- ри бирлашмаси ҳамқор- лигида “Ёшлар йили” му- носабати билан Гулис- тон шаҳар тиббиёт кол- лежидa “Соғлом оила — келажак пойдевори” деб номланган тадбир ўтказилди.

Ўз мухбирими.

“МОС ЯН ТЕКС”НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда) Зеро, қорхонада бутун диқ- қат-эътибор ўзимизнинг ма- ҳаллий хомашёни қайта иш-



лаш жараёнида юқори сифат- ли, жаҳон стандартлари та- лабларига ҳавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратил-

ган. “Shira-Tex” ХИФ ҳақда чет эл компанияси бўлган “Бо- рода” МЧЖ негизда ташкил этилган мажбури қорхона учун ўтган 2007 йил ҳам омалди келганди: экспорт ҳажми — 414,7 минг, импорт ҳажми — 433,6 минг АҚШ долларини ташкил этади. Яратилган 69 та янги иш ўринларининг 63 та- сига маҳаллий хотин-қизлар ишга қабул қилинди. Юқори сифатли ва рақобатбардош тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун чет эл- лик ҳамкорлар ёрдамида Ита- лия, Польша, Корея, Тайванд сингари хорижий мамлакат- ларнинг энг замонавий асбо- бусуналарни келтирилди.

Қўшма қорхона ташки иқти- содий фаолиятини янада ри- вожлантириш механизмидан тақомиллаштириш, бозор му- носабатларини босқичма-бос- қич қарор топтириш, аҳоли- нинг иш билан банд бўлма- ган қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, ишчи-ҳиз- матчилар даромадларини кўпайтириш борасида аниқ йўналишларни белгилаб ол- ган. Унинг асосий фаолияти

— юқори сифатли ва экспортга мўлжалланган болалар ҳамда катталар учун тикув три- котаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, зарур хомашёни асо- сан Самарқанддаги “AMIN INVEST INTERNASIONAL” қўшма қорхонасидан олади. Бундай иқтисодий ўсиш- ларга эришилса, авваламбор, кенг кўламли тизимда бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар- ни амалга ошириш орқали эришилмоқда. Хусусан, иш- лаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга иқтисодланган янги линиялар- ни барпо этиш меҳнат жамоа- сининг диққат-эътиборида.

Суратларда қорхона фаолиятидан лoҳшлар акс этган. Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ТАБИАТНИ АСРАШ — МУКАДДАС БУРЧ

Жиззах вилоятида Олий Маж- лис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг сайёр йи- гилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, Жиззах вилояти ҳокимилиги вакил- лари, ўрмончилик билан шуғулла- наётган хўжаликлар раҳбарла- ри ва партия фаоллари иштирок- этган йиғилишда “Ўрмон тўғриси- да”ги қонуннинг вилоятдаги иж- роси муҳокама қилинди. Мазкур мейёрни ҳужжат асосида ўрмон- ларни муҳофаза қилиш, қўриқ- лаш, улардан оқилона фойдала- ниш, тақорий кўпайтиришни таъ- минлаш ҳамда ўрмон ёнгинини олдини олиш бўйича маърузалар тингланди.

Жиззах вилоятида Олий Маж- лис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг сайёр йи- гилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, Жиззах вилояти ҳокимилиги вакил- лари, ўрмончилик билан шуғулла- наётган хўжаликлар раҳбарла- ри ва партия фаоллари иштирок- этган йиғилишда “Ўрмон тўғриси- да”ги қонуннинг вилоятдаги иж- роси муҳокама қилинди. Мазкур мейёрни ҳужжат асосида ўрмон- ларни муҳофаза қилиш, қўриқ- лаш, улардан оқилона фойдала- ниш, тақорий кўпайтиришни таъ- минлаш ҳамда ўрмон ёнгинини олдини олиш бўйича маърузалар тингланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-де- мократик партияси ёшларнинг сиё- сий билимини ошириш, хукуқий ма- даниятини юксалтириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда ёшлар партиянинг энг фаол ва ташаббускор вакиллари са- налади.

Узбекистон “Адолат” социал-де- мократик партияси ёшларнинг сиё- сий билимини ошириш, хукуқий ма- даниятини юксалтириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда ёшлар партиянинг энг фаол ва ташаббускор вакиллари са- налади.

Мухаббат ИСМОИЛОВ, “Адолат” мухбири.

Пиллачилик

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЎЗБЕКОНА ИШЧАНЛИК

Фермер хозиргина "Дамас" автомашинасида олиб келган сават-сават пиллани тарозига кўйди - нақд 75 килограмм!

Биргина Жомбой туманида 847 нафар фермерга 5351 қути янги нав уруғлик тарқатдик, - дейди "Хуалу"нинг тумандаги вакили Юсуф Хамидов.

Ха, Самарқанд вилояти фермерлари бугун ширин ташвишларни бошдан кечирмоқдалар. Йилнинг дастлабки ҳосили - пилла пешапеш йиғиб-териб олинмоқда.

Иштихон туманида ҳам худди шундай манзарани кузатиш мумкин. Тумандаги "Янги булок", "Қирқ йигитлик Олим Бобур" фермер хўжалиқларининг ҳар бири 140-150 килограммдан пилла топшириб, шартнома режасини ортиги билан уддалашга муваффақ бўлдилар.

"Хуалу" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси билан ҳамкорлик қилаётган Иштихон, Жомбой, Пастдаргом, Булунгур туманлари фермерларининг хирмонлари, айниқса, баракали бўлмоқда.

Эътиборлиси шундаки, ўзбекистонлик фермерлар билан ҳамкорлик қилаётган "Хуалу" қўшма корхонаси пилла хомашёсини шу ерда тулик қайта ишлаб тайёр ип қиларида. Бу янги иш ўринлари ва қўшимча даромад демакдир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, "Адолат" мухбири.



Суратларда: уста Бахтиёр Кашаев (чапда) шогирди Хусан Алимов билан. Корхона ишчиси Дилшод Эгамбердиев тайёр маҳсулотларни кўздан кечирипти.

Тошкент туманидаги "Қалдирғоч" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган сифатли ва беҳирим ошхона, ётоқхона мебелларини нафақат Тошкент шаҳри ва вилоятда, балки республикамизнинг кўпгина жойларида хориждорлари кўп.


50 кишилик меҳнат жамоаси корхона раҳбари Комил Тоиров бошчилигида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиб, жорий йилда Россия ва Италиядан 20 миң АҚШ доллари қийматидаги янги технологияни олиб келди.

Янги «ИПАК ЙЎЛИ»

Марказий Осиё жаҳонда энг қулай автомагистрал ҳудудга айланиб бормоқда

Қадимги юнонларда «Борча йўллар Римга элтиди», деган нақл бўлган. Бу ўтмишда Рим империясининг сиёсий, иқтисодий жиҳатдан катта қудратга эга бўлиб, дунёнинг бошқа минтақаларини жалб этганидан келиб чиққан иборат эди.

минг АҚШ доллари ҳажмида маблағ тушишини таъминлайди. Ўзбекистон темир йўллари узунлиги бўйича дунёнинг ўттизта давлати қаторига киради.



Яқинда Урумчи шаҳрида Хитой Халқ Республикаси ва Қозоғистон вакиллари 2008 йили икки мамлакат орасида 7 та янги тўғридан-тўғри автойўналишлар очиш ҳақидаги келишувга эришдилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қозоғистон - Хитой ўртасидаги янги йўналишларнинг фойдаланишга топширилмиши йирик инфра-тузилмаларни лойиҳа - Янги "Ипак йўли" қурилиш ишларининг бир қисми, ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган "2007 - 2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарориде жаҳон транспорт тизимига самарали интеграциялаш учун зарур бўлган, МДҲ ва Европа мамлакатларига чиқишни таъминлайдиган шимоллий ва шимол-ғарбий, Форс кўрғазига ҳамда Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган жанубий-ғарбий ва жанубий йўналишдаги автойўлларни босқичма-босқич қуриш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Марказий Осиё ҳудудидан йирик денгиз ва океан бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ. Аммо бу борада автомагистрал ва темир йўл транспортлари йўлларини қуриш мумкин бўлади.

Европалик транспорт соҳаси мутахассислари эътирофиде, Ўзбекистонда транспорт, айниқса, транзит соҳасида катта салоҳиятга эга давлат. Мамлакатимиз Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган. Айни пайтда, Европа Иттифоқи ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида товар айир-бошлаш мунтазам ортиб бормоқда ва бу борадаги кўрсаткич йилга бир триллион АҚШ долларига тенг.

Марказий Осиё ҳудудидан йирик денгиз ва океан бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ. Аммо бу борада автомагистрал ва темир йўл транспортлари йўлларини қуриш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда транспорт соҳасида турли мулкчилик шаклига эга 5300 дан зиёд компания ва фирма фаолият кўрсатмоқда. Янги ички маҳсулотнинг 12 фоизи транспорт соҳасига тўғри келади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳар йили давлат бюджетига 1 миллион 300 миң АҚШ долларида ортик, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси эса 1 миллион 120

МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ

Муомала лаёқати — фуқаронинг камолатга эришиб, ақли расо ҳолда ўзи учун муайян ҳуқуқларни олишга ва бурчларни бажаришга ундайди.

Муомала лаёқати ҳам ҳуқуқ лаёқати каби ўзига хос. Юридик адабиётларда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати умумий бир ҳуқуқий субъектив тушунчага бириктирилган.

Муомала лаёқати ҳам ҳуқуқ лаёқатининг бўлишини тақозо этади ва тулик ҳолда вояга етиш билан вужудга келади. Вояга етиш ёши — 18 ёш ҳисобланади.

Фуқаронлик Кодексининг 28-моддасида "Эмансипация" тушунчаси киритилган бўлиб, бунга биноан "Ун олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд

ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Фуқаролик Кодексининг 28-моддасида "Эмансипация" тушунчаси киритилган бўлиб, бунга биноан "Ун олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд

публикамиз қонунлари ҳаммавақт тўла муомала лаёқатидан фарқланади.

Чунки ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшга бўлган вояга етмаганлар қисман муомала лаёқатига эга бўладилар.

Ун тўрт ёшгача бўлганлар ва шунингдек, руҳий касаллик натижасида ёки ақлий заифлик сабаблари асосида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаролар эса муомала лаёқатини бошқа шахслар орқала амалга оширадилар.

Яъни уларнинг номидан қонуний вакиллари ҳаракат қилади.

Рустам БОЗОРОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети магистранти.

"ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН САҚЛАНДИ!

Олов — тилсиз ёв, дейишади. Чунки озгина бепарволик катта талофатга сабаб бўлиши мумкин. Оқибатда умр бўйи пешона тери билан тўпланган мол-мулк, уй-жой, ҳаттоки инсон ҳаёти ҳам хавф остида қолиши тайин.

Ёнғинга қарши курашни, аввало, тарғибот ишларини кучайтириш орқали оиладан, мактабгача тарбия муассасаларидан бошламоқ лозим. Эеро, бола онгиде ёнғинни келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақида тасаввур уйғотиш мумкин аҳамиятга эга.

Озгина эътибор, қунт ноҳус ҳолатларнинг олдини олишини унутмайлик. Ахир, кўпинча айнан катталарнинг бепарволиги оқибатида болалар жабр кўраётганидан, айрим ҳолларда ногирон бўлиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, ота-оналарни болаларини оғоҳ бўлишига, уларнинг "тилсиз ёв" билан ўйнашига йўл қўймайликларига даъват этайлик. Токи келажагимиз эгалари бўлган болалар соғлиги, хавфсизлиги таъминлансин.

Даврон ҚОДИРОВ, Яқкасарой тумани ЕХБ инспектори.

Қарор ва ижро

СУФУРТА БИЗНЕСИ ИСТИҚБОЛИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда иқтисодийта инвестицияларни кенг жалб этишда суфурта мумин ўрин тутуди. Шунинг учун ҳам соҳани халқор талаблар асосида янада ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг суфурта бозоридеги фаол иштирокчини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган "Суфурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда мумин омил бўлмоқда. Аҳолининг суфурта компанияларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Хозир 28 суфурта компанияси, бир неча қайта суфурталаш компанияси, суфурта брокери, асистанс хизмати фаолият юритмоқда. 2007 йил якунига кўра, республикамиз суфурталовчилари ихтиёрий ва мажбурий суфурта турлари бўйича 72,3 миллиард сўмдан ортик суфурта муқофоти жамгарди. Бу 2006 йилдаги нисбатан 45,5 фоиз кўп демакдир. Миллий суфурталовчилар томонидан аҳолига 200 дан ортик хизмат турли тақлиф этилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистонда суфурта бизнеси: бугунги ҳолат ва истиқбол, ўшбу масаланинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган форумда шулар ҳақида гап борди. Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М.Мирзаев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлиқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов ва бошқалар давлати сиз раҳбарининг "Суфурта хизматлари тўғрисида"ги қарориде белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижроси оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилиши таъкидлади.

Орамиздаги одамлар

НУРЛИ МАНЗИЛ

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрни бор. Албатта, бу ўринни топиш, аввало, унга муносиб бўлиш кишининг илми, меҳнатқошлиги, феъл-атвори ва саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Бунинг учун эса, инсонга берилган имкониятлар оз эмас. Фақат олис манзилларга кўз тиккан йўловчи бу имкониятларни тўри чамаламоғи зорур. Эеро, манзил олис экан, унга муносиб тайёргарлик лозим бўлади.

Оддий деҳхон оиласида туғилиб, вояга етган бу инсон ўзининг жамият ҳаётидаги ўрнини шарафли ва заҳматталаб касб — ўқитувчиликка кўрди. Ҳўжанд Давлат педагогика институтиде ўқитувчиликда иш бошлаган Т.Мирзақулов кўп йиллар ана шу олий ўқув юртида фаолият кўрсатди. 2005 — 2007 йилларда Навоий Давлат қончилик институтининг Олмалик бўлимидаги металлургия факультети кафедрасида ишни давом эттирди. 2007 йилдан эса у Тошкент вилояти Давлат педагогика институтини ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори лавозимиде ишлаб келмоқда.

Унинг ҳамкасблари, устозлари, шогирдлари орасидаги обрў-эътибори ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Албатта, бу эъзоз-эҳтиром ўз-ўзича юзага келгани йўқ. Олимнинг серкери, ибратли илмий педагогика фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги, ҳамкасбларига, талабаларга меҳр-муҳаббатли муносаба-

ти, қолаверса, мотанати шундай ҳурмат ва эътибор топишига омил бўлди. Устоз Айюб Фуллом фазилатларидан ибрат олган Турсунали Мирзақулов ўзининг камтарона меҳнати билан ўзбек тилшунослигининг истиқболи учун муносиб ҳиссасини қўшиб келайтир. Тилшуносликнинг эса доллар муаммолари кўп. Масалан, морфемика, сўз ясашиши, морфология. «Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабати», «Ўзбек тили морфемикасининг лингвистик асослари», «Тилшуносликка кириш», «Туркий ва ўзбек тилшунослиги тарихидан лавҳалар», «Грамматика ўқитишининг лингвистик асослари» сингари ўқув қўлланмалари ёш авлодга тил илмини ўқитишда жуда кўл келмоқда.

Уз соҳасининг йирик билмидони, меҳрибон ва талабчан мураббий, профессор Турсунали Мирзақулов айни дамда илм ва ижоднинг камолот палласида. Эзгу мақсадларни дилига жо этиб, баркамол авлод тарбиясини умри мазмуни, деб билган устоз олимнинг нурли манзиллар томон дадил одимлари давом этаверишига тилакдошимиз.

Абдулҳамид НУРМОНОВ, Боқижон ТЎХЛИЕВ, профессорлар. Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА, филология фанлари доктори.



ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Грузияда бўлиб ўтган парламент сайловиде рўйхатде олинган аҳолининг 55 фоизи қатнашди.

Бирок Грузияда парламент сайловларида фуқароларнинг қатнашиши фаоллиги кўрсаткичларида чегара йўқ. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам сайлов амалга ошган ҳисобланади. Шундай қилиб, мамлакат парламентига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 75 нафари партиалар рўйхати бўйича ва яна 75 нафари бир мандатли округлардан иборат.

ЧЕКМАНГ, ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ

Туркияда чекшиша қарши қонуи кучга кирди. Мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатга кўра, жамоат жойлари — ҳукумат идоралари, савдо марказлари, мактаблар, ва шифохоналарда, стадионлар ҳамда иш жойларида чекшиш мумкин эмас. Бу қондани бузган муассасалар 5 миң лира (2700 евро), жисмоний шахслар эса 50 лира (26 евро) миқдоридеги жарима билан жазоланади.

ХИТЙО: ТИКЛАШ ИШЛАРИГА 13 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Хитой ҳукумати зилзиладан сўнг мамлакатни тиклаш ишлари учун 13 миллиард АҚШ долларидан ортик маблағ ажратилганини маълум қилди. Шунинг қарийб 10 миллиард доллари вайрон бузган биноларни таъмирлашга сарфланади.



Маълум бўлишича, Хитой суфурта компаниялари зилзиладан қурилган зарар миқдори 20 миллиард АҚШ долларидан ҳам ортикчилиги қайд этишмоқда. Аммо суфуртачилар томониде бунинг фақатгина 5 фоизига қопланиши мумкин. Шунга қарамай, Хитой бош вазири Вэнь Цзябао: «Олдимизда юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун хоҳишимиз ҳам, имкониятимиз ҳам бор», — дея таъкидлаган.

Сўнги маълумотларга кўра, охириги 30 йил ичидеги энг вайронкор зилзила сифатида қайд этилган Сичуандаги табиий офат қурбонлари сони 51 миң кишидан ошиб кетган.

Интернет хабарлари асосида Лазиза СУЛТОНОВА тайёрлади.

Газетанинг 2008 йил, 28 март сонидеги Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 262-мактаб томонидан Шоаҳмедов Сарвар Кудратуллаевичга 9-синфни битиргани ҳақида берилган шаҳо-

датнома белгиси эълон борувчининг тақдирномасига кўра, лотинча **U харфи ўрнига V** деб қўрсатилган. Эълондаги шаҳодатнома рақами **U-0978631** деб ўқилсин.

